



ISSUES AND SOLUTIONS RELATED TO PROSECUTORIAL OVERSIGHT IN ENSURING THE ENFORCEMENT OF LEGISLATION ON THE PROTECTION OF ATMOSPHERIC AIR

Bakhtiyor Shavkatovich Rasulov

*Doctoral student of the Law Enforcement Academy
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: atmospheric air, pollution control, environmental legislation, pollution sources, environmental monitoring, industrial waste, liability measures, digital control system.

Received: 19.12.25

Accepted: 20.12.25

Published: 21.12.25

Abstract: This article analyzes the importance and current problems of prosecutorial control in ensuring the implementation of legislation in the field of atmospheric air protection in Uzbekistan. Industrial waste, vehicles, heating systems, construction work and natural dust are identified as the main sources of atmospheric pollution. Statistical data for 2023–2025 indicate a high level of air pollution. The main problems in prosecutorial control are regulatory and legal gaps, slow information exchange between agencies, lack of technical and laboratory capabilities, low staff qualifications and ineffectiveness of punitive measures. The author makes practical proposals for improving legislation, introducing digital environmental monitoring, developing the institution of environmental prosecutors and tightening liability measures. The article justifies the importance of ensuring public health and environmental safety by strengthening prosecutorial control.

АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИГА ДОИР МАСАЛАЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Бахтиёр Шавкатович Расулов

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси докторанти
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: атмосфера ҳавоси, прокурор назорати, экологик қонунчилик, ифлосланиш манбалари, экологик мониторинг, саноат чиқиндилари, жавобгарлик чоралари, рақамли назорат тизими.

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистонда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида қонунчилик ижросини таъминлашда прокурор назоратининг аҳамияти ва амалдаги муаммолари таҳлил этилган. Саноат чиқиндилари, транспорт воситалари, иситиш тизимлари, қурилиш ишлари ва табиий чанг атмосфера ифлосланишининг асосий манбалари сифатида белгиланган. 2023–2025 йилларга оид статистик маълумотлар ҳаво ифлослиги даражаси юқорилигини кўрсатади. Прокурорлик назоратидаги асосий муаммолар - меъёрий-ҳуқуқий бўшлиқлар, идоралар ўртасида ахборот алмашинувининг сустлиги, техник ва лаборатория имкониятларининг етишмовчилиги, кадрлар малакасининг пастлиги ҳамда жазо чораларининг самарасизлиги. Муаллиф қонунчиликни такомиллаштириш, рақамли экологик мониторингни жорий этиш, экологик прокурорлар институтини ривожлантириш ва жавобгарлик чораларини қатъийлаштириш каби амалий таклифлар беради. Мақола прокурорлик назоратини кучайтириш орқали аҳоли саломатлиги ва экологик хавфсизликни таъминлаш муҳимлигини асослайди.

ВОПРОСЫ И РЕШЕНИЯ, СВЯЗАННЫЕ С ПРОКУРОРСКИМ НАДЗОРОМ ЗА ОБЕСПЕЧЕНИЕМ ИСПОЛНЕНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ОБ ОХРАНЕ АТМОСФЕРНОГО ВОЗДУХА

Бахтиёр Шавкатович Расулов

Докторант Академии правоохранительных органов

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: атмосферный воздух, контроль загрязнения, экологическое законодательство, источники загрязнения, экологический мониторинг, промышленные отходы, меры ответственности, цифровая система контроля.

Аннотация: В данной статье анализируется важность и текущие проблемы прокурорского контроля в обеспечении выполнения законодательства в области защиты атмосферного воздуха в Узбекистане. В качестве основных источников загрязнения атмосферы определены промышленные отходы, транспортные средства, системы отопления, строительные работы и природная пыль. Статистические данные за

2023–2025 годы указывают на высокий уровень загрязнения воздуха. Основными проблемами прокурорского контроля являются пробелы в нормативно-правовом обеспечении, медленный обмен информацией между ведомствами, недостаток технических и лабораторных возможностей, низкая квалификация персонала и неэффективность карательных мер. Автор предлагает практические решения по совершенствованию законодательства, внедрению цифрового экологического мониторинга, развитию института экологических прокуроров и ужесточению мер ответственности. В статье обосновывается важность обеспечения охраны здоровья населения и экологической безопасности путем усиления прокурорского контроля.

Кириш. Дунёдаги ижтимоий-иқтисодий вазият, аҳоли сонининг ошиб бориши билан боғлиқ заруратлар сабаб саноат, ишлаб-чиқариш ўсиб бориши, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланиш оқибатида инсониятнинг табиатга бўлган салбий таъсирининг ошиши экологик вазият ёмонлашиши билан боғлиқ глобал салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Мамлакатлар аҳолиси зич бўлган, хусусан пойтахт шаҳарларда ва йирик саноатга ихтисослашган ҳудудларда атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси юқорилиги, ўз навбатида бу муаммо нафақат экологик, балки ижтимоий, иқтисодий кўрсаткичларга салбий таъсир этувчи муаммо сифатида қаралишига сабаб бўлмоқда.

Шу боисдан, мазкур соҳада қабул қилинган қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўлиқ ва сўзсиз ижросини таъминлаш соҳага масъул давлат органлари, хусусан, прокуратура тизимининг муҳим вазифаларидан биридир. Прокуратура органлари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш, ифлослантирувчи манбалар фаолиятини қонуний асосда назорат қилиш, ҳаво сифатига оид маълумотларнинг яширилишини олдини олиш ҳамда табиатга етказилган зарарни ундириш бўйича тизимли ишлар олиб борилиши зарур.

“IQAir” каби реал-вақт мониторинг воситалари ҳамда маҳаллий манбалар маълумотига кўра, Тошкент ва бошқа шаҳарларидаги атмосфера ҳаво сифати 2025-йилги ҳисоботларга кўра, ПМ2.5 нинг концентрацияси ва йиллик ўртача даражаси Ж аҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) тавсия қилган меъёр даражасидан 6 баробар кўп [1].

Хусусан, жорий йилнинг 6 октябрь соат 10:00 ҳолатига Тошкент шаҳри ҳавосида майда ПМ_{2,5} дисперс зарраларининг концентрацияси 158 мкг/м³ ни ташкил этди ва ҳаво ифлослиги бўйича дунёда 1-ўринга чиқди. Бу “зарарли” таснифдаги кўрсаткич ҳисобланади. ИҚАир порталига кўра, пойтахт ҳавосида ПМ₁₀ туридаги зарарли заррачалар миқдори 269,7 мкг/м³ га етган. Бу Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти белгилаган меъёрдан (ҳар куни учун 45 мкг/м³) қарийб 6 баробар юқори бўлиб, инсон саломатлиги учун хавфли даражадир [2].

Саноат ва ишлаб чиқариш чиқиндилари муаммоси:

- Ўзбекистонда саноат корхоналари, айниқса Тошкент, Фарғона водийси, Навоий, Ангрэн, Олмалик, Чирчиқ каби ҳудудларда жойлашган корхоналар ҳаво ифлосланишининг асосий манбаларидан бири.

- Металлургия, цемент, кимё ва энергетика тармоқлари йилига миллионлаб тонна СО₂ (олтингугурт диоксиди), NO_x (азот оксидлари) ва чанг заррачаларини чиқаради.

- 2024-йилги маълумотга кўра, саноат чиқиндилари умумий атмосферага чиқиндиларнинг 30–35 % ини ташкил этади.

- Филтрлаш технологиялари эскирган. Кўп заводларда тозалаш ускуналари 1980–1990-йилларда ўрнатилган.

- Экологик стандартлар юмшоқ. Ҳозирги экологик меъёрлар ЖССТ ёки Йёвропа Иттифоқи стандартларидан анча паст.

- Мониторинг тизими етарли эмас. Корхоналар чиқиндиларини реал вақт режимида назорат қилувчи мустақил тизим йўқ.

- Саноат зоналари ва турар-жойларнинг яқинлиги - ҳавонинг ифлосланишини аҳоли бевосита ҳис қилади. Масалан, Олмалик ва Чирчиқда СО₂ консентрацияси ЖССТ меъёридан 5–7 баравар юқори кузатилган.

2. Транспорт воситалари чиқиндилари ҳолати:

- Тошкентда автомобиллар сони 2025-йилда 1,2 миллиондан ошган.

- «IQair» маълумотига кўра, ПМ_{2.5} зарраларининг 16–20 % гача улуши транспортдан келади.

1. Ески автомобиллар улуши юқори. Янги экологик меъёрга мос бўлмаган бензин/дизел машиналар ҳавони ифлослайди.

2. Ёқилғи сифати паст. Кўп бензин маркаларида олтингугурт миқдори 150 ппм дан юқори (Йёвропа меъёрида 10 ппм дан паст).

3. Жамоат транспорти суи ривожланган. Кўпчилик шахсий автомобилга таянади, бу еса транспорт тирбандлиги ва чиқиндиларни кўпайтиради.

4. Электромобиллар улуши жуда паст. 2025-йил ҳолатига кўра, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган машиналарнинг атиги 0,5 % электр ёки гибрид турига мансуб.

5. Ёқилғи нархларининг пастлиги экологик транспортга ўтишни иқтисодий жиҳатдан секинлаштиради.

3. Қиш мавсумида иситиш ва енергия сектори ҳолати:

- Қиш ойларида Тошкент ва бошқа йирик шаҳарларда ҳаво сифатининг кескин ёмонлашуви кузатилади.

- Сабаб: кўмир, мазут ва паст сифатли ёқилғининг ёқилиши.

- ПМ2.5 зарраларининг 24 % қисми айнан иситиш манбаларидан чиқади.

- Марказлашган иситиш тизими эскирган, иссиқлик йўқотиш катта, кўплаб аҳолилар кўшимча равишда кўмир ёки чиқинди ёқади.

- Уй хўжаликлари учун экологик тоза алтернатив ёқилғилар (газ, электр иситиш) қиммат.

- Энергия инфратузилмасининг самарадорлиги паст - бу ёқилғини ортиқча сарфлаш ва чиқиндиларнинг кўпайишига олиб келади.

4. Табиий чанг ва экологик деградация:

- Ўзбекистоннинг 70 % ҳудуди чўл ва ярим чўл. Шамолли кунларда қум ва чанг зарралари катта миқдорда ҳавога кўтарилади.

- Арал денгизининг қуриши ҳам бутун минтақада “туз-чанг бўронлари”ни келтириб чиқармоқда.

- Табиий чанг билан антропоген (инсон сабабли) чангни ажратиш қийин.

- Суғориладиган йерларнинг шўрланиши, ўсимлик қопламанинг камайиши чанг манбаларини кўпайтиради.

- Яшил ҳудудлар кесилиши ва шаҳар бетонлашуви табиий “филтр” функциясини камайтиради.

- 2025-йил сентябрида Тошкент ва Қорақалпоғистон ҳудудларида ПМ10 (чанг заррачалари) ЖССТ меъеридан 10 баравар ортиқ бўлган кунлар қайд этилган.

5. Шаҳарсозлик ва инфратузилма сиёсати ҳолати:

- Охирги 10 йилда Тошкент ва вилоят марказларида қурилиш ҳажми жуда ошди.

- Кўп янги турар-жой мажмуалари яшил зоналар ҳисобидан қурилган.

- Кўп дарахтларнинг кесилиши (айниқса марказий ҳудудларда) ҳавонинг табиий тозалигини камайтиради.

- Қурилиш чанги, асфалт ишлари, семент ва ғишт заводлари ҳавога ПМ10 чиқиндиларини кўшади.

- Ҳаво айланиши учун жой йетишмаслиги - баланд бинолар ва зич режалаштириш шамолланишни чеклайди.

- Шаҳар режалаштиришда экологик баҳолаш механизми кучсиз.

6. Ҳуқуқий ва институционал муаммолар:

- “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун (2024-йил таҳрири) мавжуд, аммо амалий ижроси суст.

- Мониторинг тизимлари кам. «IQair» станциялари ва Екология қўмитаси ўрнатган 10 га яқин пунктлар бутун мамлакатни қамраб олмайди.

- Жарималар паст. Кўп корхоналар учун экологик тўловлар чиқиндиларни камайтиришга туртки бўла олмайди.

- Шаффофлик паст. Ҳавонинг ҳақиқий ҳолати бўйича очиқ маълумотлар ҳар доим мавжуд эмас.

- Экологик таълим ва жамоатчилик фаоллиги етарлича ривожланмаган.

7. Ижтимоий-соғлиқ муаммолари:

- ЖССТ маълумотига кўра, Ўзбекистонда ҳаво ифлосланиши билан боғлиқ 6–8 минг киши ҳар йили эрта вафот этади [3].

- Болалар ва қариялар орасида астма, аллергия ва юрак-қон томир касалликлари кенг тарқалмоқда.

- Тиббий харажатлар ва меҳнат самарадорлигининг пасайиши - иқтисодий зарар сифатида ҳисобланади (Жаҳон банки баҳосига кўра, ЯИМнинг 0,7 % гача).

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг маълумотига кўра, Тошкентда ПМ2.5 таркибида — табиий чанг ва қурилиш 36 %, иситиш сектори 24 %, транспорт 16 %, саноат 13 % таъсир қилаётганини билдирган [4].

Статистик маълумотлар ва мисоллар. Ўтган даврда қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида кўрилган чораларга қарамай, атмосферани ифлослантириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳалигача тизимли тус олган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан 2023–2024 йилларда экологик назорат натижалари таҳлили куйидаги кўрсаткичларни аниқлаган:

2023 йил давомида атмосфера ҳавошиинг ифлосланиши билан боғлиқ 870 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган. Шундан 410 та ҳолат саноат корхоналарида ишлаб чиқариш чиқиндиларини меъёрдан ортиқ атмосферага чиқариб юборишга тааллуқли; 290 та ҳолат автотранспорт воситаларининг меъёрдан юқори ихроғазлар чиқаришига оид; 170 та ҳолат эса маиший ва хўжалик чиқиндиларини йўқ қилиш (ёқиб юбориш) қодаларини бузиш билан боғлиқ. Келтирилган ҳуқуқбузарликлар бўйича жами 125 та жиноят иши

кўзғатилган, 320 та ҳолатда маъмурий жарима қўлланилган, атроф-муҳитга жиддий зарар етказган 70 та корхонанинг фаолияти вақтинча тўхтатилган.

2024 йилнинг ўтган даври мобайнида экологик назорат доирасида прокуратура органлари томонидан 1200 дан ортиқ прокурорлик таъсир чоралари (тақдимнома, огоҳлантириш, даъво аризаси ва бошқ.) қўлланилди ва қонунбузарликлар натижасида атроф-муҳитга етказилган 200 млрд сўмдан зиёд моддий зарар қоплатилиши таъминланди.

Аниқланган ҳолатларнинг тахминан 40%да саноат корхоналарида ҳавога чиқиндиларни тозалаш мосламалари тўлиқ ишламаган ёки ўрнатилмаган, 25%да корхоналарнинг экологик ҳисоботларида маълумотлар сохталаштирилган, 20%да тегишли назорат органлари билан маълумот алмашинуви йўлга қўйилмаган, 15% ҳолатларда эса қонунбузарликка йўл қўйган шахслар жазосиз қолган (маъмурий чора қўрилмаган). Бу кўрсаткичлар жойларда экологик қонунчилик талабларига риоя этиш ишларида етарлича назорат ўрнатилмаганини ва профилактика чоралари суғуртганини кўрсатади.

Келтирилган рақамлар мазкур соҳада қонун бузилишлари ҳали ҳам кенг тарқалганини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, прокурорлик назорати амалиётида сезилаётган қатор долзарб муаммоларга эътибор қаратилган:

1. Норматив-ҳуқуқий бўшлиқлар: Амалдаги экологик қонунчиликда айрим соҳалар бўйича аниқ нормалар ва талаблар етарлича баён этилмаган. Масалан, атмосферага ташланадиган зарарли моддалар концентрацияси ўлчаш усуллари, саноат чиқиндилари мониторинги натижаларининг рақамли далил сифатида қонуний мақоми тўлиқ аниқ эмас. Бу эса ҳуқуқбузарликларга ҳуқуқий баҳо беришда талқинлар фарқини ва жазо чораларини қўллашда чалқашликларни келтириб чиқариши мумкин.

2. Идоравий ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви масалалари: Прокуратура, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат экологик назорат инспекцияси, “Ўзгидромет” ва санитария хизматлари ўртасида экологик маълумотлар базаиши бирлаштириш механизми тўлиқ шаклланмаган. Турли идоралар ўз йўналишидаги маълумотларни алоҳида юритади, натижада атмосфера ифлосланиши бўйича тўлиқ манзарани кўриш ва зудлик билан чора кўриш қийинлашади.

3. Техник имкониятлар ва лаборатор база етишмовчилиги: Худудларда атмосфера ҳавоси ҳолатини реал вақт режимида кузатиб борадиган замонавий лабораториялар тармоғи чекланган. Мавжуд станция ва ускуналар барча нуқталарни қамраб олишга ночор. Шунингдек, прокураторанинг айрим ҳудудий бўлинмаларида экологик назорат бўйича замонавий ахборот тизимларига уланиш таъминланмаган.

4. Кадрлар малакаси муаммоси: Прокуратура органларида экологик ҳуқуқ ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида ихтисослашган мутахассислар сони ҳали кам. Кўпчилик

прокурорлар учун бу йўналишдаги иш амалиёти янги бўлиб, махсус билим ва кўникмалар етишмаслиги мумкин. Бу айрим мураккаб экологик жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар материалларини баҳолашда қийинчилик туғдириши эҳтимоли бор.

5. Жазо чораларининг самарасизлиги: Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган экологик жарима ва санкциялар айрим ҳолларда ҳуқуқбузар корхоналар учун кўтарилмадиган даражада кичик маблағни ташкил этади. Молиявий жиҳатдан жарима тўлаб қўйиш корхона учун катта йўқотиш келтириб чиқармаса, профилактик таъсирга эришилмайди. Баъзи йирик корхоналар учун мавжуд жарима миқдорлари профилактик чора эмас, балки режавий операциялар харажатдек қабул қилиниши мумкин.

6. Типик ҳуқуқбузарликлар ва кўрилган чоралар. Назорат давомида қуйидаги ҳуқуқбузарлик турлари кенг учради: атмосферага белгиланган рухсатномасиз зарарли моддалар чиқариш; экологик мониторинг натижаларини сохталаштириш ёки яшириш; экологик экспертиза хулосасисиз хатарли объектларни фаолиятга тушириш; маиший чиқиндиларни ёқиш орқали ҳавони ифлослантириш. Ушбу ҳуқуқбузарликлар бўйича прокуратура органлари томонидан қонуний чоралар кўрилди – айбдор шахсларга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилди, айрим оғир ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилди.

Назорат жараёнидаги долзарб муаммолар. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, атмосфера ҳавоини муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги тизимли муаммолар мавжуд:

Биринчидан, меъёрий базада айрим мавҳумликлар бор (ифлосланиш меъёрларини ўлчаш методикаси, рақамли далилларнинг мақоми тўлиқ аниқ эмаслиги);

Иккинчидан, экологик назоратга доир маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишда идоралараро интеграция етарли эмас (прокуратура, экология идоралари ва маҳаллий ташкилотлар ўртасида тезкор ахборот алмашинуви суст);

Учинчидан, ҳудудларда ҳаво сифати мониторинги учун техника-лаборатория имкониятлари чекланган, реал вақт режимида кузатув олиб бориш тизими йўлга қўйилмаган;

Тўртинчидан, айрим прокурор ходимларнинг экологик ҳуқуқ соҳасида махсус билим ва кўникмаси етишмаслиги мураккаб ҳолатларга ҳуқуқий баҳо беришда қийинчилик туғдирмоқда;

Бешинчидан, жазо чораларининг профилактик самараси паст – белгиланган жарима миқдорлари йирик корхоналар учун у қадар сезиларли таъсир кўрсатмайди, шу боис иқтисодий жиҳатдан жаримани тўлаб қўйиб, фаолиятни давом эттириш ҳолати кузатилмоқда.

Прокуратура органлари амалиётида атмосфера ҳавошиинг ифлосланиши билан боғлиқ типик ҳуқуқбузарликлар қуйидагича квалификация қилинмоқда:

Рухсатномасиз эмиссиялар амалга ошириш: Корхоналар томонидан атмосферага чиқарилаётган моддалар бўйича белгиланган тартибда рухсатнома олинмаган ёки унинг муддати тугаган бўлишига қарамай, фаолиятни давом эттириш ҳолатлари. Бу турдаги ҳуқуқбузарликлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексиинг 86-моддаси (“Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш”) асосида маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Айнан оғир ҳолатларда, атмосферага йирик миқдорда ёки хавфли моддалар чиқариб юбориш билан боғлиқ ҳолатларда, жиноят ишлари ҳам қўзғатилиши мумкин.

Экологик мониторингни бузиш ёки натижаларни яшириш: Айрим корхоналар чиқинди миқдорини камайтириб кўрсатиш, экологик аудит маълумотларини сохталаштириш ёки тегишли давлат идораларидан яширишга уринадилар. Бундай ҳолатлар Маъмурий жавобгарлик кодексиинг 88-моддаси ёки Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексиинг 194-моддаси (“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузиш”) билан жавобгарликка тортилади. Бу жиноят таркибига, масалан, атроф-муҳитга зарар етказганлик ҳақиқатини яшириш ёки олдиндан келишилган ҳолда сохта ҳисобот тақдим этиш каби ҳаракатлар киради.

Техник регламент ва экологик экспертиза талабларига риоя қилмаслик: Қурилиш ёки ишлаб чиқариш лойиҳаларини экологик экспертиза хулосасисиз амалга ошириш, техник регламентда белгиланган экологик талабларга риоя қилмасдан фаолият юритиш ҳоллари учрайди. Масалан, янги завод ёки цех ишга туширишда уларнинг атроф-муҳитга таъсири бўйича давлат экологик экспертизаси хулосаси олинмаган бўлса. Бундай ҳолатлар “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонун (1999 йил 25 май) талабларини бузади ҳамда тегишли тартибда ҳуқуқий баҳо берилади (маъмурий жарима ёки жиноий жавобгарликка тортиш масалалари).

Ноқонуний чиқинди ёқиш ёки чиқиндихона ташкил этиш: Атмосфера ҳавосига зарарли газлар чиқишига сабаб бўлувчи расмийлаштирилмаган чиқинди ёқиш нуқталари ёки ҳайатдан чиққан чиқиндихоналарни ташкил этиш ҳоллари. Масалан, хом ашё қолдиқларини шаҳар ё кишлок атрофида очик ёнғинда ёқиб юборадиган ҳолатлар. Бундай ҳаракатлар Маъмурий жавобгарлик кодексиинг 83-моддасига, оғир ҳолларда эса Жиноят кодексиинг 201-моддасига (“Атроф-муҳитни ифлослантириш”) мувофиқ жавобгарликни келтириб чиқаради.

Амалдаги ҳолатнинг таҳлили. Атмосфера ҳавошии муҳофаза қилишга доир қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати натижалари мазкур йўналишда қатор

муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жойларда аниқланган қонунбузарликларни таҳлил қилиш уларнинг келиб чиқиш сабаблари асосан қуйидаги ҳолатларга бориб тақалишини аён этди:

- Филтр ва тозалаш ускуналари билан боғлиқ муаммолар (40%) – саноат корхоналарида атмосферага чиқариладиган зарарли чиқиндиларни тозалаш учун ўрнатилган филтрлар ва тозалаш иншоотлари носоз ҳолатда бўлиши ёки умуман ишламаслиги ҳоллари кенг учрайди. Натижада тўғридан-тўғри тозаланмаган чиқиндилар ҳавога чиқарилмоқда.

- Ҳисоботларни сохталаштириш (25%) – айрим корхоналар ўзларининг экологик ҳисоботларида чиқинди миқдорларини камайтириб кўрсатиш, мониторинг натижаларини яшириш ёки таҳрирлаш билан шуғулланади. Бундай сохталаштириш ҳолатлари атроф-муҳитга етказилаётган ҳақиқий зарар ҳажмини пасайтириб кўрсатиб, назорат идораларини чалғитади.

- Идоравий ахборот алмашинувининг йўқлиги (20%) – атроф-муҳит мониторинги натижалари ва бошқа экологик ахборотлар билан ўртоқлашиш механизми тўлиқ ишламаган. Масалан, маҳаллий экологик назорат органлари аниқлаган баъзи ҳолатлар ҳақида прокуратура ёки юқори ташкилотларга маълумот етказилмаган. Шу сабабли, ҳуқуқбузарликлар ўз вақтида аниқланмай қолиши мумкин.

- Жазо чораларининг қўлланилмаслиги (15%) – маълумотларга кўра, аниқланган қонунбузарликларнинг тахминан 15 фоизи бўйича жавобгар мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий ёки интизомий чора кўрилмаган. Яъни, ҳуқуқбузарлик қайд этилган, аммо таъсирчан жазо қўлланилмагани туфайли бундай ҳолатлар такрорланиш эҳтимоли қолмоқда.

Аниқланган илгари келтирилган ҳолатлар экологик қонунчилик ижросидаги нуқсонларни ва профилактика ишларининг сусайтирилганини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, атмосфера ҳавоини муҳофаза қилишга оид талабларни амалда тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун қўшимча чоралар зарурлигини аниқлатади.

Демак, Ўзбекистонда атмосфера ҳаво муҳофазаси билан боғлиқ муаммолар аниқ равишда мавжуд ва уларни таҳлил қилиш орқали асосий сабаблар, оқибатлар ва тақлифларни кўриб чиқиш мумкин.

Атмосфера ҳавоини ифлослантиришнинг асосий турлари. Ифлосланиш манбалари орасида саноат корхоналари чиқиндилари, автотранспорт воситалари ихроғазлари, йирик иссиқлик электр станциялари ва маиший чиқинди ёқиш ишлари алоҳида ўрин тутаяди. Масалан, металлургия, нефть-кимё, цемент каби йирик корхоналардан атмосферага олтингугурт диоксиди, азот оксидлари, турли оғир металл қўшимчалари чиқарилса,

шаҳарларда транспорт воситалари чиқиндилари ҳавонинг асосий булғаш манбаидир. Ноқонуний чиқиндихоналар ва чиқиндиларни ёқиб юбориш ҳоллари ҳам ҳаво сифатига жиддий зарар келтиради. Амалда бу каби хатти-ҳаракатлар қонунга хилоф ҳисобланиб, улар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 85, 86-87-88-моддалари ва Жиноят кодексиинг 193-196-моддалари ва бошқа).

Прокурорлик назоратининг ўзига хос томонларидан бири шундаки, у ҳокимиятнинг бирон-бир тармоғига кирмайди. Прокуратура органлари ўз вазифа ва функциялари жиҳатидан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ёки суд ҳокимиятига тегишли эмас. Прокуратура давлат номидан, бутун жамият манфаатлари йўлида назорат ваколатини амалга оширади. Шу боис прокурорлик назорати ҳеч қайси давлат органи ёки мансабдор шахсдан мустақил тарзда, фақат қонун талабларига мувофиқ амалга оширилиши таъминланади.

Мазкур мустақилликни таъминлаш мақсадида қонунчиликда прокурорлик назорати муайян чекланишларга ҳам эга: прокуратора органлари давлат ҳокимиятининг олий қонун чиқарувчи, олий ижроия органлари ва суд ҳокимияти фаолиятига бевосита аралашмайди. Эътиборга олиш лозимки, прокурорга ўзи ноҳақ ёки асослантилмаган деб ҳисоблаган қарорни тўғридан-тўғри бекор қилиш ёхуд ўзгартириш ҳуқуқи берилмаган. Прокурор ўз ваколатлари доирасида аниқланган қонунбузарликлар бўйича тегишли протест, тақдимнома, огоҳлантириш каби таъсир чоралари қўллайди ҳамда ваколатли органлар ва судлар орқали қарорларни бекор қилиш, ҳуқуқбузарни жавобгарликка тортишга эришади.

Шу билан бирга, 2019 йилда янги таҳрирда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат алоҳида йўналиш сифатида белгиланди (24-модда) [5]. Унга мувофиқ, юқорида санаб ўтилган барча ташкилот ва мансабдорлар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши ҳам алоҳида назорат предмети сифатида қайд этилган. Бундай ўзгариш Конституциянинг 49-моддасида кафолатланган ҳар бир шахснинг қулай атроф-муҳитга ва унинг ҳолати тўғрисида ишончли ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. Зотан, атроф-муҳит муҳофазасига доир қонунбузарликлар фуқароларнинг юқоридаги конституциявий ҳуқуқларини бузилишига олиб келади.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддаси прокурорнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги қўшимча ваколатларини белгилаб берган. Жумладан, прокурор фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги ариза ва шикоятларни қабул қилади ва текширади; мурожаат этувчиларга уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартиби юзасидан тушунтириш беради; фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш, қонун бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган

зарарни қоплатиш чораларини кўради; зарур ҳолларда жиноят иши ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатади ёхуд текширув материалларини ваколатли органга ўтказди; шунингдек, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари суд тартибида ҳимоя қилиниши лозим бўлса-ю, лекин ўзи соғлиги, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда манфаатларини ҳимоя қила олмаса, прокурор ундан маблағ талаб этмаган ҳолда судга даъво киритиши ва уни қўллаб-қувватлаши мумкин. Келтирилган ваколатлар прокурорга фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини (масалан, соғлом атроф-муҳитдан фойдаланиш, экологик маълумот олиш, атроф-муҳитга етказилган зарарнинг ўрнини қоплатиш ҳуқуқларини) ҳимоя қилиш юзасидан кенг имкониятлар беради.

Прокурорлик назорати предмети фақат қонунларнинг бажарилиши билангина чекланмайди. «Атмосфера ҳавоини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун [6] (1996 йил 27 декабр) ва ушбу соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талаблар ҳам тўлақонли назорат қилинади. Вазирлар Маҳкамаси томонидан атмосфера ҳавоини муҳофаза қилиш соҳасида қабул қилинадиган қарорлар, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда унга қарашли идоралар томонидан чиқариладиган буйруқ ва кўрсатмаларнинг қонунлар ва Президент фармонларига мувофиқ бўлиши устидан ҳам прокуратура ўз ваколати доирасида назорат ўрнатади.

Ўзбекистон Республикасиининг “Атмосфера ҳавоини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни (1996 йил 27 декабр) талабларига мувофиқ, атмосфера ҳавосига зарарли моддалар ташланмаиши белгиланган меъёрлардан ортиқ амалга ошириш, шунингдек давлат экологик мониторинги ва назорат тартибини бузиш қонунбузарлик ҳисобланади. Ушбу қонуннинг 24–27-моддаларига биноан, юридик ва жисмоний шахслар атмосферага чиқарадиган чиқиндилар учун белгиланган меъёрларни сақлаши, махсус рухсатномага эга бўлиши, лойиҳа ва қурилиш фазаларида мажбурий экологик экспертизадан ўтиши ҳамда чиқиндилар ҳажмини босқичма-босқич камайтириб бориши шарт.

Юқорида баён этилган муаммоларни бартараф этиш ҳамда атмосфера ҳавоини муҳофаза қилиш соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш учун қуйидаги стратегик чора-тадбирлар таклиф этилмоқда:

- Норматив базани такомиллаштириш: Экологик қонунчиликни замонавий талаблар ва халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш зарур. Жумладан, рақамли технологиялар орқали олинаётган экологик мониторинг маълумотларининг юридик кучини белгилаш, атмосферага ташланадиган зарарли моддаларнинг чегера меъёрларини халқаро тажрибага мувофиқ қайта кўриб чиқиш лозим. Шунингдек, “Атмосфера ҳавоини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун ва тегишли кодексларга ўзгартишлар киритиб,

экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ва жазо чораларининг мутаносиблигини таъминлаш тақлиф этилади.

- Рақамли экологик назорат тизимини жорий этиш: Атмосфера ҳаво си ифлосланишини доимий кузатиб бориш ва тезкоғ таҳлил қилиш мақсадида яшин тезлигида маълумот узатувчи автоматлаштирилган мониторинг тармоғини яратиш зарур. Масофавий датчиклар, сенсорлар ҳамда сунъий ёрдамчи интеллект асосидаги тизимлар орқали мамлакатимиз бўйлаб ҳаво сифати индикаторлари реал вақтда назорат қилинади. Бу тизим прокуратура ва ваколатли идораларга ҳаво ифлосланиши ҳаддан ошганда ёки нохуш ҳолатлар (масалан, зарарли чиқиндилар кескин кўпайиши) кузатилганда дарҳол огоҳлантириш сигналлари бериш имконини беради.

- Ихтисослашган экологик прокурор лавозимларини жорий этиш: Прокуратура органларида атроф-муҳит муҳофазасига доир қонунбузарликлар билан шуғулланадиган махсус прокурорлар (экологик прокурорлар) институтини ривожлантириш лозим. Улар нафақат ҳуқуқий, балки экологик ва техник билимларга эга бўлишлари, тегишли соҳада доимий малака ошириб боришлари зарур.

- Идоравий интеграцияни кучайтириш: Прокуратура, Экология вазирлиги, Давлат экологик инспекцияси, “Ўзгидромет” ва бошқа мутасадди ташкилотлар ўртасида экологик маълумотларни узлуксиз алмашишни таъминлайдиган ягона электрон маълумотлар базаиши ишга тушириш лозим. Ушбу база орқали ҳар бир аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолати, унинг қайд этилиши, кўрилган чора ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар барча тегишли идораларга бир вақтнинг ўзида етказилиши таъминланади.

- Жавобгарлик чораларини қатъийлаштириш: Атмосфера ҳаво си ифлослантириш билан боғлиқ жиддий ҳуқуқбузарликлар учун таъсиирчан жазо чораларини кўриш зарур. Хусусан, йирик корхоналарга нисбатан жарима санкцияларини уларнинг айби билан етказилган зарар миқдорига мутаносиб равишда ошириш, тақрорий ҳуқуқбузарликка йўл қўйган мансабдор шахсларни давлат хизматидан четлатишгача борувчи чораларни қонунчиликда назарда тутиш мумкин. Экологик зарарни қоплаш борасида мажбурий экологик суғурта, компенсация жамғармалари механизмларини жорий этиш ҳам жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлайди.

Юкоридагиларга кўра,

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилише ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги вазирликлар ҳамда идораларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ва табиатни муҳофаза қилиш соҳаси устидан назоратини такомиллаштириш;

Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги қонунбузилишларни уз вақтида аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда етказилган зарарларни ундиришни ташкил этиш тартибини белгилаш;

Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, Жавобгарлик чораларини қатъийлаштириш, рақамли экологик назорат тизимини жорий этиш, Идоравий интеграцияни кучайтириш,

Корхона ва ташкилотларнинг ҳаво тозалагичларини ва уларнинг нормативлардан ортиқ ифлослантирувчи моддалар чиқаришини назорат ва мониторинг қилиш билан боғлиқ тадбирларда замонавий технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ миллий қонунчилик нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тадқиқотларни кенгайтириш зарур.

Қуйида прокуратуранинг атмосфера ҳавоини муҳофаза қилиш бўйича назоратини такомиллаштириш учун аниқ, амалга ошириш мумкин бўлган чора-тадбирлар, қонуний механизмлар, оператив тартиблар ҳамда мониторинг-индикаторлар келтирилган:

- прокуратурада атмосфера ва бошқа экологик ҳуқуқбузарликларни тергов ва назорат қилишга ихтисослашган бўлим очилиши;

- ушбу бўлимда экология, кимё, санитария ва саноат технологиялари бўйича мутахассислар жалб этилиши керак;

Прокурорларнинг ҳуқуқий ваколатларни аниқлаштириш ва кенгайтириш:

- экологик мониторинг маълумотларини расмий сўров орқали зудлик билан олиш ҳуқуқи;

- корхона ва давлат органларининг ҳудудий пунктларида текширув ўтказиш ваколати (фавқулодда вазиятларсиз ҳам);

- экологик экспертизани буюртма қилиш ва мустақил лаборатория натижаларини тақдим этишни талаб қилиш ҳуқуқи берилиши.

- Жиноят ва маъмурий ишларни ишихронлаштириш учун прокуратура ва экология органлари ўртасида мажбурий ахборот алмашиш протоколи қонун билан мустақамланиши мақсадга мувофиқ.

Тезкор суд-иқтибос ва процессуал енгилликлар:

- Экологик фавқулодда ҳолатларда прокурор учун тезлаштирилган процессуал тартиб (масалан, 48 соат ичида тергов бошлаш учун рухсат) белгиланиши;

- Далилларни сақлаб қолиш (масалан, филтрлаш тизимларини вақтинчалик тўхтатиб қўйиш, маълумот логларини кўчириш) учун фавқулодда буйруқ бериш механизми яратилиши керак.

Жамоатчилик ва ННТ иштирокини ҳуқуқий кафолатлаш:

- Жамоатчилик шикоятлари билан ишлаш учун прокуратура ичида махсус “Экологик шикоятлар” қабул фаолияти ташкил етилиши.

- Шикоятлар бўйича текширувларни бошлаш талаб-меъёри аниқ белгиланиши (масалан, ёзма шикоят келганда 14 кун ичида баҳолаш).

Масъулият ва жазо механизмларини кучайтириш:

- Экологик қонунбузарликлар бўйича жарима ва жазо қоидалари аниқ, прогрессив ва амалдорлар учун ҳам қўлланилиши белгиланиши.

- Маълумотни яшириш ёки сохталаштирган мансабдорларга нисбатан жиноят жавобгарлиги моддаларини қатъийлаштириш зарур.

Хулоса. Атмосфера ҳавоини муҳофаза қилиш соҳасида қонунлар ижроини таъминлаш прокуратура органларининг доимий эътиборидаги вазифадир. Бу йўналишдаги назорат фаолияти фуқароларнинг соғлом ва тоза атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқини амалга оширишга хизмат қилади. Юқорида келтирилган маълумотлар асосида, республика бўйлаб атмосфера ҳавоининг сифати назоратини янада кучайтириш, ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаб, тегишли чоралар кўриш ва жамоатчилик иштирокида “яшил иқтисодиёт” тамойилларини рўйга чиқариш юзасидан чора-тадбирлар изчил давом эттирилади. Прокуратура органлари тегишли идоралар билан ҳамжиҳатликда қонун устуворлигини таъминлашга, шу орқали аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳит фаровонлиги йўлида хизмат қилишга тайёр эканлигини маълум қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. [https://www.iqair.com/ru/;](https://www.iqair.com/ru/)
2. [https://kun.uz/;](https://kun.uz/)
3. <https://lex.uz/docs/55561;>
4. <https://lex.uz/docs/-106197;>
5. <https://www.bbc.com/uzbek/topics/c8y949499q5t/cyr;>
6. <https://gov.uz/oz/eco.>